

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА
ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

520 **Энг қулай режим яратган ҳолда савдо-иқтисодий
ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган мам-
лакатлар рўйхатига қўшимча киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 426-6*

(2009 йил 4 декабрдан кучга киради)

Тошкент шаҳрида 2008 йил 13 майда имзоланган Ўзбекистон Республи-
каси Ҳукумати билан Индонезия Республикаси Ҳукумати ўртасида Савдо
Битими 2009 йил 30 сентябрдан кучга кирганлиги муносабати билан Ўзбе-
кистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо
вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги то-
монидан 1998 йил 1 апрелда, Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 2 ап-
релда 23-сон ва Давлат божхона қўмитаси томонидан 1998 йил 3 апрелда
02/19-2-сон билан тасдиқланган Энг қулай режим яратган ҳолда савдо-иқти-
содий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган мамлакатлар рўйхатига
(рўйхат рақами 426, 1998 йил 8 апрель) иловага* мувофиқ қўшимча кири-
тилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-
лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга
киради.

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Э. ҒАНИЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 16 ноябрь,
ЭГ-01/10-7262-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 16 ноябрь,
109-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

48 (392)-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2009 йил 16 ноябрь,
01-02/18-28-сон

— 105 —

520-521-моддалар

С. НОСИРОВ